O‘ZBEKISTON DAVLAT JISMONIY TARBIYA VA SPORT UNIVERSITETI

FAN-SPORTGA

ILMIY-NAZARIY JURNAL

2025 / 6



ISSN: 2181 7804











FAN Sportga

илмий-назарий журнали

2025/6

Бош муҳаррир
Рашид МАТКАРИМОВ

Бош муҳаррир ўринбосари илмий маслаҳатчи:
Ш.Ш. ГАЗИЕВ

Таҳрир ҳайъати таркиби:

Э.Т. Рахманов
Ш.С. Мирзанов
М.Х. Миржамалов
М.Ў.Арзиқулов
С.Б. Репкин
Бек Мун Жонг
И.П. Сивохин
Н.Т. Тўхтабоев
Б.К. Эримбетов
И.Б. Алиев
Л.П. Югай
Д.Х. Умаров
А.К. Эштаев
К.Ш. Зиядуллаев
Н.Ж. Исакулова
А.Б. Жуманиязов
М.М. Қирғизбоев

Таҳрир ҳайъати котиби

Ш.Х.Тоштурдиев
Б.А. Ишимов
Р.И. Исроилов
А.У. Рашидов
О.Е. Мамишев
А.С. Гонашвили

Техник таҳририят таркиби:

Н.Н.Ғаффоров
У.О. Азимова
Ш.Б.Алиева
М.Раҳмонов

fan-sportga.uz

Журналнинг телеграм канали

МУНДАРИЖА/СОДЕРЖАНИЕ

СПОРТ МАШҒУЛОТЛАРИ: ТЕХНИКА, ТАКТИКА, УСУЛИЯТ / ТЕХНИКА, ТАКТИКА И МЕТОДИКА СПОРТИВНОЙ ТРЕНИРОВКИ

Ш.М. Нурматова – Кўп йиллик тайёргарлик давомида баскетболчиларнинг машғулот юкламаларини назорат қилишда илмий-методик асослар. 3

И.Ҳ. Ихласова – Ногиронлиги бўлган спортчи-ўқувчиларни ижтимоийлашув кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили. 8

Ш.К. Каримов – Бокс спорт турида ҳакамлик фаолияти самарадорлигига ижобий ва салбий таъсир қилувчи омилларни тадқиқ қилиш. 12

Б.В. Газиев – Чавандозларнинг жисмоний ва техник тайёргарлигини ривожлантирувчи машқлар самарадорлигини ошириш. 16

Д.Н. Рахматова – Футболчиларнинг техник ҳаракатларини ўрганиш ва уларни ривожлантириш методикаси. 19

З.З. Юсупов – Гандболчиларни бошланғич тайёргарлик босқичига саралашда чидамлилигини ривожланганлик даражасини аниқлаш усуллари. 23

Д.Х. Хасанов – Дарсдан ташқари жисмоний тарбия машғулотларда 6-синф ўқувчиларининг чидамлилик қобилиятини махсус машқлар орқали ривожлантириш. 26

М.А. Умбетова., М.Н. Юсупова – Тўп билан сакраш баландлигини ошириш имкониятлари ва самарадорлиги. 29

У.А. Мулладжанов – Қисқа масофага югурувчиларнинг жисмоний тайёргарлигини шаклланганлик даражаси. 33

Р.А. Бурнашев – Комплексно-вариативный подход при индивидуализации интервальной тренировки квалифицированных бегунов на 400 и 800 метров. 37

Л.Т. Давлатова., Г. Юнусова – Пара волейбол машғулотларида инклюзив спорт амалиётининг қўлланилиш самарадорлиги. 41

Н.Р. Исаева – Бадиий гимнастикачиларни машқларга ўргатиш усулларининг услубий хусусиятлари. 44

З.Ю. Газиева – Основы восстановительного процесса спортсменов. 48

Ш.А. Арслонов – Совершенствование контратакующих технико-тактических действий у каратистов 15-16 лет. 52

М.М. Нуриддинова – Мактабгача ёшдаги болаларни жисмоний ривожлантириш: ҳаракат фаолиятининг асослари. 54

М.И. Хайдарова., С.Э. Кушбакова., М.А. Туляева – Болалар ва ўсмирларни спортга саралаш ва йуналтиришнинг ўзига хос услублари. 59

З.Б. Болтаев – Волейбол бўйича профессионал кадрлар тайёрлаш тизимини модернизация қилиш зарурати. 62

К.Ж. Норбоев., О.Р. Эшбердиев – Ёш баскетболчиларнинг тезкор-куч тайёргарлик даражасини баҳолаш ва таҳлил қилиш. 67

FAN Sportga
илмий-назарий журнали

“FAN – SPORTGA”
илмий-назарий журнали

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети муассислигида чоп этилади

Таҳририят манзили:
111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси 19-уй. Формат 60x84 1/16. 84 саҳифа.
Босишга рухсат этилди: 27.05.2025

Журнал “DAVR MATBUOT SAVDO” МЧЖ босмахонасида нашр қилинди.

“MATBUOT TARQATUVCHI” обуна каталоги индекси: 1118

05.02.2018 йилда Тошкент шаҳрида оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Рўйхатга олиш рақами № 02-005 “FAN – SPORTGA” журнали 2004 йилдан нашр этилади.

Суратлар муаллифи:
Анвар Ильясов
Абдулло Файзуллаев

2025/6

Ш.Р. Тошматов., Р.К. Гофуров., Х.С. Рахматуллаева – Кикбокс спорт турида спортчиларнинг тезкорлик қобилиятини ривожлантиришда корреляция машқларидан фойдаланиш услубияти. 69

З.А. Абдулхаева – Волейболчи талаба қизларнинг тўпни ўйинга киритиш техникаси самарадорлигини махсус машқлар орқали ошириш. 72

Ж.С. Сулаймонов – 15-16 ёшли волейболчиларда йиллик тайёргарлик даврида ўтказилган машғулотлар давомида сакраш чидамкорлигини ўсиб бориш динамикаси. 75

Д.Т. Бойхўрозова – Ёш бадиий гимстикачи қизларни жисмоний қобилиятини ривожлантириш услубияти. 78

Ш.Х. Тоштурдиев., У.Б. Жарылкапов – Спорт курашлари бўйича 2025 йилги Осиё чемпионатининг илмий-назарий таҳлили. 81

Н.Қ. Турсунова – Таэквондо (WT) мусобақаларида ҳакамлик фаолиятини ташкил этиш ва мусобақа қоидаларини такомиллаштириш йўллари. 86

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИНГ ТИББИЙ-БИОЛОГИК ВА ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ
МЕДИКО-БИОЛОГИЧЕСКИЕ И СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ФИЗИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ И СПОРТА

Р.Д. Халмухамедов – Структура и содержание тренировочных нагрузок в годичном цикле подготовки единоборцев высокой квалификации. 89

Ў.Р. Эшонқулов – Workout воситалари орқали спортчи-талабаларни жисмоний тайёргарлигини ривожлантириш самарадорлиги. 94

Қ.Т. Араббоев – Жисмоний тарбия дарсларида юкламаларни меъёрлаш масалалари. 97

А.А. Туляганов – 12-13 ёшли ўқув машғулот гуруҳидаги ёш футболчиларни ўйин давомида бажарадиган техник тактик ҳаракатларини ўзгариш динамикаси ва таҳлили. 100

Б.Д. Даврамбеков – Ўйин машқлари орқали футболчиларнинг гуруҳли тактик ҳаракатларини ривожлантириш. 102

Р.А. Жолдасбаева – Бошланғич тайёргарлик босқичидаги машғулотларнинг субъектив юклама даражаси кўрсаткичлари. 106

В.В. Серебряков., Ш.Ш. Шухратжонова – Оценка влияние стресса на студентов разных вузов. 110

Ғ.Т. Исмоилов – Спорт машғулотларида биомеханик таҳлил қилишнинг илмий-назарий асослари. 114

М.Г. Хайдаров – Роль инновационных тренажёров в повышении эффективности подготовки спортсменов по пара пауэрлифтингу. 117

ТАЪЛИМ ИҚТИСОДИЁТИ ВА МЕНЕЖМЕНТ
ЭКОНОМИКА И МЕНЕЖМЕНТ ОБРАЗОВАНИЯ

Р.Ю. Бабажанов – Иқтисодиёт шаклланиши шароитида инсон капиталини ривожлантириш. 120

силовой индекс, высокий уровень выявлен у 50% паралимпийцев–пауэрлифтеров, средний уровень развития силовых качеств выявлено у 42,8%, и низкий уровень составил всего у 7,2%. По индексу Робинсона установлено, что 42,8% паралимпийцев–пауэрлифтеров с низким показателем индекса, то есть аэробные возможности ниже нормативных показателей, у 28,8% обследуемых индекс оценивается как «средний», то есть соответствует норме. Минутный объем кровообращения или МОК показал, что у 64,4% паралимпийцев–пауэрлифтеров высокий уровень восстановления и у 35,6% испытуемых показатель составил выше среднего, что позволяет констатировать о хороших показателях восстановления.

Литература:

1. Верхошанский, Ю. В. Основы специальной силовой подготовки в спорте. - 3е изд. - М.: Советский спорт, 2013. - 216 с.
2. Дворкин Л. С. Тяжелая атлетика: методика подготовки юного тяжелоатлета. учебное пособие для вузов. - 2-е изд., испр. и доп. - Москва: Издательство Юрайт, 2019. - 335 с.
3. Матвеев Л.П. Теория и методика физической культуры. - 3-е изд., перераб. и. доп. - М.: СпортАкадемПресс, 2008. - 544 с.
4. Марченко В.В. Особенности тренировки квалифицированных тяжелоатлетов. // Теория и практика физической культуры. - 2004. - № 2. - С. 33-36.
5. Маткаримов Р.М. Тяжёлая атлетика. - Т.: УзГИФК, 2005, - 384 с.
6. Хайдаров М.Г. Использование усовершенствованного тренажера пара пауэрлифтинге для достижения положительного результата в подготовке спортсменов. “Fan-Sportga” ilmiy-nazariy jurnal ISSN 2181-7804 2022. №5. – С. 63-65 [13.00.00 №16].



Мустақил изланувчи
Р.Ю. БАБАЖАНОВ[1]
[1]Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети
Чирчиқ шаҳри, Ўзбекистон

ИҚТИСОДИЁТ ШАКЛЛАНИШИ ШАРОИТИДА ИНСОН КАПИТАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Аннотация

В данной статье обсуждается роль нашей страны в международном сообществе, достойная жизнь и устойчивое развитие населения, выявление и совершенствование возможностей для развития человеческого капитала.

Ключевые слова: *человеческий капитал, общественный капитал, инновации, образование, социально-экономические отношения, инвестиции.*

Annotation

Ушбу мақолада мамлакатимизнинг халқаро ҳамжамиятдаги ўрни, аҳолининг муносиб ҳаёт кечириши ва барқарор ривожланиши, инсон капиталини ривожлантириш бўйича имкониятларни аниқлаш ва такомиллаштириш муҳокама қилинган.

Калит сўзлар: *инсон капитали, жамият капитали, инновация, таълим, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, инвестиция.*

This article discusses the role of our country in the international community, decent life and sustainable development of the population, identification and improvement of opportunities for the development of human capital.

Key words: *human capital, social capital, innovation, education, socio-economic relations, investment.*

Долзарблиги. Жаҳон иқтисодиётида юз бераётган жараёнлар мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсир этувчи омиллар орасида нисбат ўзгараётганини яққол кўрсатмоқда. Жаҳон банки дунёнинг “141 та давлат мисолида глобал миллий бойлик таркибини тадқиқ этиш давомида инсон капиталининг унинг умумий қийматидаги улуши 64 %ни ташкил этиши ва сўнгги 20 йил давомида унинг хажми 55 %га ўсгани маълум бўлган. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо бўлган юқори даромадли мамлакатларда инсон капиталининг миллий бойликдаги улуши 70 %ни ташкил этган бўлса, қуйи даромадли мамлакатларда унинг ҳиссаси 41 %га тўғри келди”1. Айнан инсон капиталидаги фарқлар мамлакат иқтисодиётининг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлиги, аҳоли турмуш фаровонлиги ва умуман, инсон тараққиётидаги фарқларни белгилаб бермоқда, хусусан, “мамлакатлар ўртасида аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлардаги фарқларнинг 10-30 % айнан инсон капитали билан изоҳланиши” маълум бўлмоқда.

Ҳозирда жаҳон миқёсида инсон капиталининг жамият ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги ўрнини аниқлаш, миллий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ривожлантириш, ундан самарали фойдаланиш, тўлиқ намоён этиш учун шарт-шароитларни яратиш масалалари мамлакатларнинг халқаро ҳамжамиятдаги ўрни, аҳолининг муносиб ҳаёт кечириши ва барқарор ривожланишини таъминлаш жиҳатидан илмий тадқиқотларнинг муҳим йўналишларидан бирига айланган. Бу борада илмий тадқиқотларда инсон капитали ривожланганлик даражасининг иқтисодий ўсишга таъсирини тадқиқ этиш, инсон капитали таркибий унсурларининг ўзаро муносабатини баҳолаш, инновацияларнинг жорий этилиши ва тарқалишига таъсирини аниқлаш, инсон капиталини ривожлантиришнинг самарали усулларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда “инсон капиталини ривожлантириш ва бунинг учун барча имкониятларни сафарбар этиш”3, хусусан узлуксиз таълим тизи-

мини ривожлан-тириш, аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлаш ва муносиб меҳнат шароитларини яратиш масалалари муҳим аҳамият касб этмоқда. 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясида «инсон капиталини ривожлантириш асосий мақсад ва мамлакатнинг халқаро майдондаги рақобатбардошлилиги даражаси ва инновацион жиҳатдан тараққий этганини белгиловчи асосий омил сифатида белгиланиб, 2030 йилга бориб Глобал инновацион индекс рейтинги бўйича жаҳоннинг 50 илғор мамлакати қаторига киришига эришиш, таълимнинг барча даражаларида сифати ва қамровини ошириш, узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш тизимининг иқтисодиёт эҳтиёжларига мослашувчанлигини таъминлаш шунингдек, инновацияларни кенг жорий этиш учун шарт-шароитларни яратиш» каби вазифалар белгиланган. Шу билан бирга, «Президентнинг илм-фан намоёндалари билан мулоқоти давомида илмий асосланган тажриба асосида кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш вазифасининг муҳимлиги» таъкидланди. Ушбу вазифаларни самарали ижро этишда инсон капитали ва унинг таркибий унсурларини баҳолаш тизимини такомиллаштириш, инновацион иқтисодиёт шаклланишига инсон капиталининг таъсирининг илмий-услубий асосларини тадқиқ этиш, республикада инсон капиталини ривожлантириш бўйича имкониятларни аниқлаш ва такомиллаштириш каби йўналишларда илмий тадқиқотларни чуқурлаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг мақсади республикамизда иқтисодиёт шаклланиши шароитида инсон капиталини ривожлантириш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

«инсон капитали» консепсиясига назарий ёндашувларни таҳлил қилиш;

инсон капитали илмий категориясининг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти ва унсурларини тадқиқ этиш ҳамда муаллифлик қарашларини шакллантириш.

Тадқиқотнинг усуллари. қиёсий ва тизимли таҳлил, иқтисодий-статистик таҳлил

усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

республикада инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитида инсон капиталининг ривожланганлик даражасини баҳоловчи кўрсаткичлар тизими туғилишда кутилаётган соғлом умр кўриш давомийлиги кўрсаткичи асосида такомиллаштирилган;

инсон капиталига инвестисиялардан қайтим нормасини олий таълимдан кейинги таълимга қилинадиган инвестисия даражасига мос равишда такомиллаштириш асосланган;

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Республикада инновацион иқтисодиёт шаклланиши шароитида инсон капиталини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

республикада инновацион иқтисодиётни шакллантириш шароитида инсон капиталининг ривожланганлик даражасини баҳоловчи кўрсаткичлар тизими асосида ҳудудларда инсон капиталининг ривожланишини мониторинг қилишни йўлга қўйиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2019–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонига биноан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасини 2030 йилгача инновацион ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичларини шакллантиришда маҳаллий меҳнат идоралари учун амалий қўлланиши бўйича тавсиялар ишлаб чиқишда фойдаланилган. Ушбу таклиф меҳнат ресурсларининг малакавий ва ҳудудий мобиллик, малака ошириш ва касбга қайта тайёрлаш ҳолати бўйича ахборотларни тўплаш ва қиёсий таҳлил қилиш имконини берган.

Замонавий шароитларда инсон капиталининг инновацион ривожланиш омили сифатидаги аҳамияти ортиб бормоқда. Таълим, соғлиқни сақлаш ва аҳоли ҳаёти сифатини ошириш билан боғлиқ бошқа соҳаларга қўйилмалар нафақат индивидуал инсон капиталига инвестисия, балки инновацион иқтисодиёт мазмунини шакллантирувчи асосий шартга айланган.

Инсон капиталининг ривожланганлик даражаси иқтисодиёт инновация-лилиги ва рақобатбардошлигини белгиловчи омил сифатида юзага чиқади. Тадқиқотда ушбу фикр математик усуллардан фойдаланган ҳолда исботлашга ҳаракат қилинган. Буни амалга ошириш мақсадида глобал инсон капитали индекси қиймати глобал инновациялар индекси ва глобал рақобатбардошлик индекси қийматлари орасида корреляция мавжудлиги текширилди. Глобал инновациялар индекси, глобал рақобатбардошлик индекси ва инсон капиталининг 2020 йил маълумотларидан фойдаланган ҳолда, жаҳоннинг ушбу ин-

декслар ҳисобланадиган барча мамлакатлари бўйича амалга оширилган ҳисоб-китоблар натижасида инсон капитали индекси ва инновациялар индекси орасидаги боғлиқликнинг корреляция коэффисиенти 0,85 ва инсон капитал ҳамда рақобатбардошлик индекси орасидаги корреляция коэффисиенти 0,84 га тенг кучли боғлиқлик мавжудлиги аниқланди.

Инсон капитали ва инновациялар индекси орасидаги боғлиқликни эконометрик баҳолаш натижалари мамлакатнинг инсон капитали индексидаги қийматининг 1 бирликка ўзгариши унинг глобал инновациялар индекси қийматининг 1,228 бирликка ўзгаришига олиб келишини кўрсатди (1-расм).

1-расм. Инсон капитали ва иқтисодиётнинг инновациялилиги орасидаги боғлиқлик



1-жадвал

Инсон капиталининг ривожланганлик даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими

Инсон капитали унсурлари	Кўрсаткичлари
Саломатлик	Туғилишда кутилаётган умр кўриш давомийлиги, йил; Туғилишда кутилаётган соғлом умр кўриш давомийлиги, йил; Гўдаклар ўлими коэффисиенти, ‰; Болалар ўлими коэффисиенти, ‰; Оналар ўлими коэффисиенти, ‰.
Таълим	Ўрта махсус таълим билан қамров,%; Олий таълим билан қамров, %; Таълим сифатини баҳоловчи тест натижалари, балл. (ПИСА,ТИМСС ва бошқ.); 25 ёшдан катта аҳоли таркибида ўрта махсус маълумотга эга бўлганлар улуши,%; 25 ёшдан катта аҳоли таркибида олий маълумот даражасига эга бўлганлар улуши,%.
Касбий тайёргарлик	Ходимларнинг малакасини ошириш курсларида иштирок этиш интенсивлиги; Иш берувчилар томонидан ходимларнинг малака оширишини инвестисиялаш даражаси; Мустақил таълим олиш учун шарт-шароитлар мавжудлиги; Мотивация даражаси.
Профессионал мобиллик	Ташқи меҳнат миграциясида иштирок этувчилар сони; Ички меҳнат миграциясида иштирок этувчилар сони; Малакавий мобиллик даражаси.
Инновацион ижодкорлик	ИТТКИ соҳасида иш билан бандларнинг 1 млн. аҳолига тўғри келадиган сони, киши; Юқори технологияли тармоқларда иш билан бандларнинг улуши, %; Патент олиш учун рўйхатдан ўтган талабномалар сони; ИТТКИнинг давлат томонидан молиялаштирилиши, (ЯҲМ,%); ИТТКИнинг бизнес томонидан молиялаштирилиши, (ЯҲМ,%).

Республикада содир боўлаётган демографик жараёнлар таҳлили асосида муаллифнинг фикрича, Оъзбекистон шароитида аҳоли сони оъсиши, хусусан, ёш-жинс таркиби боъйича мақбул вазият ёки демографлар таърифига коъра «демографик имкониятлар дарчаси» шаклланганидан келиб чиқиб, иқтисодий оъсишга туртки боъладиган омил сифатида фойдаланиш мумкин. Бу, оъз навбатида, таълим, согълиқни сақлаш ва бандлик соҳасида мувофиқлаштирилган сиёсатни талаб этади. Айнан шу даврда инсон капиталига инвестисия истиқболда яна бир ижобий натижа, яъни «демографик дивиденд» учун замин яратади.

Республикада 2020 йил 1 январ ҳолатига 18 ёшгача бўлган ёшлар 11 млн. 117,9 минг нафар ёки умумий аҳолининг 33,4 %, 30 ёшгача бўлганлар эса 18 млн. 223,3 минг нафар ёки 54,8 %ни ташкил этишини ҳисобга олган ҳолда таълим тизими мамлакат тақдирини ҳал қилувчи стратегик аҳамиятга эга соҳа эканлиги маълум бўлади,

Таълим соҳасидаги ўзгаришлар таъсирида демографик жараёнларнинг ўзгаришини кузатиш мақсадида иккита ссенарий танланди:

Биринчиси, Эришилган таълим даражасидаги нисбий миқдорлар ўзгармаслиги. Ушбу ссенарий асосида бутун прогноз қилинаётган давр учун аҳолининг эришган таълим даражасига кўра жорий тузилиши асосида ҳисоблаб чиқилган бошланғич таълим даражасига ўтиш, бошланғичдан ўрта ва ўртадан олий таълим даражасига эга бўлганларга ўтиш коэффисиентларининг ўзгармас бўлиб қолиши назарда тутилган.

Иккинчиси, Юқори суръатлар ссенарийси. Бунда прогноз қилинаётган давр мобайнида 30-34 ёш гуруҳи орасида олий маълумотга эга бўлганларнинг улуши узлуксиз равишда ўсиб бориши ҳисобга олинган.

Ҳисоб-китоблар ПДЕ (Популатион Девелопмент

Энвиронмент) дастурида амалга оширилди.

Тадқиқотда аҳолининг ҳаёти давомида турли таълим босқичлари доирасидаги ҳаракатини ҳисобга олиб, прогноз амалга оширишга ҳаракат қилинган. Таъкидлаш жоизки, прогноз демографик параметрларнинг ўзгармас бўлиб қолиш шарти билан таълимдаги ўзгаришларнинг таъсири натижасида аҳоли сони, унинг ёш-жинсий тузилишидаги ўзаришлар қай даражада содир бўлишини намоён этиш мақсадида амалга оширилган.

Инсон капитали нуқтаи назаридан таҳлил учун умумий аҳоли таркибининг таълим даражасига кўра ўзгаришига нисбатан меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли таркибида ёки меҳнат ресурслари таркибида эришган маълумот даражасига кўра ўзгариш аҳамиятлироқдир. 2015 йилда 15 ёшдан катта аҳоли таркибида ўрта маълумотга эга бўлган аҳоли улуши 87 % ва олий маълумотга эга бўлганларнинг улуши 13 %ни ташкил этган бўлса, олий таълим билан қамров кўрсаткичларининг муттасил ошиб бориши натижасида иккинчи ссенарий асосида амалга оширилган прогноз натижаларига кўра, ушбу нисбат 2025 йилда 83,7 % ва 16,2 %, 2030 йилда 81,3 % ва 18,6 % ва 2035 йилда мос равишда 78,1 % ва 21,8 %ни ташкил этади. Ўз навбатида, эркаклар орасида ўрта маълумотга эга бўлганлар улуши 2015 йилдаги ҳолат 84,6 % дан 2025 йилда 81,5 % ва 2035 йилда 75,9 %га ва олий маълумотлилар улуши 2015 йилдаги 15,2 % дан мос равишда 18,4 % ва 24 % га ўзгариши рўй беради. Аёллар орасида ўрта маълумотга эга бўлганлар улуши 88,9 %дан 2025 йилда 85,9 %, 2035 йилда 80,3 %га ва олий малумотга эга бўлганлар улуши 10,8 %дан мос равишда 13,9 % ва 19,6 %га ўзгариши рўй беради. Таъкидлаш жоизки, бундай натижа 2020 йилда аҳолининг 20-30 ёш гуруҳида олий маълумотлилар улуши 16 %, 2025 йилда 25,5 %, 2030 йилда 34,2 %, 2035 йилда 41,8 % етгандагина эришилади.

Прогноз қилинаётган давр мобайнида аҳолининг ёш таркибида ҳам сезиларли ўзгаришлар содир бўлиши намоён бўлди. Хусусан, 20 ёшдан кичик бўлган аҳоли улуши 2015 йилда 37,6 %ни ташкил этган бўлса, 2030 йилга келиб, 33,7 % ва 2035 йилда 31,4 % ташкил этади. Ўзбекистонда бошланган аҳолининг юқоридан қариш жараёни янада жадаллашиб, 65 ёшдан катта бўлган аҳоли салмоғи 2015 йилдаги 4,0 %дан 2030 йилда 8,5 %га ва 2035 йилда 9,7 %га етиши маълум бўлмоқда.

Таълим даражасига кўра туғилиш ва ўлим кўрсаткичларининг ўзгармас бўлиб қолиши шарти билан турли хил таълим ссенарийлари асосида амалга оширилган прогноз натижалари орасидаги фарқ таълимдаги ўзгаришлар таъсирида рўй беради. Таъкидлаш жоизки, аҳоли таълим даражасидаги ўзгаришларнинг таъсири узоқ истиқболда акс этиб, 20 йил ёки ундан ҳам кўп муддатда кўринади, бу ҳолат нисбатан юқори таълим даражасига эга қизларнинг репродуктив ёшга кириши билан изоҳланади.

Хулоса. Амалга оширилган илмий тадқиқот қуйидаги хулоса ва таклифларни ишлаб чиқиш имконини берди: «Инсон капитали» тушунчасининг мазмунини таърифлашга мавжуд ёндашувларнинг ўрганилиши ва умумлаштирилиши натижасида «инсон капитали» тушунчасига муаллифлик таърифини таклиф этиш имконини берди, унга кўра инсон капитали узлуксиз равишда инвестисиялар томонидан шакллантириладиган ва ривожлантириб бориладиган меҳнат жараёнида қўлланилиши натижасида ишлаб чиқариш, меҳнат унумдорлиги ва даромаднинг ошишига сабаб бўлувчи билим, малака, профессионал тайёргарлик, саломатлик, инновацион ижодкорлик сингари яратувчанлик қобилиятлари йиғиндисидир. Миллий инсон капитали мамлакатнинг халқаро бозордаги рақобатбардошлиги, аҳоли турмуш фаравонлиги ошишини таъминловчи, аҳоли ва хусусан, мамлакатда шаклланган меҳнат ресурсларининг тўплаган фойдали билим, малака, қобилият, саломатлик захираси сифатида ифодалаш мумкин.

Адабиётлар:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 8-oktabrdagi “O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to‘g‘risida” PF-5847-sonli Farmoni.

2. Максакова Л. П. Высшее образование как фактор качественного развития населения и экономики // Демографический потенциал стран ЕАЭС : VIII Уральский демографический форум. Том II. — Екатеринбург Институт экономики УрО РАН, 2017. – С. 143-148.

3. Jukovskaya I.F. «Человеческий капитал - главный фактор развития современной экономики» Экономика образования № 1.2015 г. С.63-38.

4. World Bank Group. Human Capital: A Project for the World, 2018. October, 13. Development Committee Meeting.

5. Lange, Glenn-Marie, Quentin Wodon, and Kevin Carey, eds. 2018. The Changing Wealth of Nations 2018: Building a Sustainable Future. Washington, DC: World Bank. doi:10.1596/978-1-4648-1046-6.


O‘ZBEKISTON KUBOGI




SQB


UZB UZB
1 0:51 2




BIZ SIZ BILAN FAXRLANAMIZ!